

# СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 6 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 6

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 6



# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-6>

**Бош муҳаррир:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Главный редактор:**  
**Тухтасинов Илхом**  
д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Заместитель главного редактора:**

**Editor in Chief:**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
DSc. Professor (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммаед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Узбекистан)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Куренов Рахыммаед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Балтабоев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
отв. секретарь, доцент (Узбекистан)

## EDITORIAL BOARD

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Daminova Orzigul</b> INGLIZ TILIDA ASPEKTUALLIK XUSUSIDA.....	5
<b>2. Isaqova Munisa</b> XALQARO HUQUQIY TERMINLARNING LESIKOGRAFIK TALQINI.....	10
<b>3. Baxodirova Shaxlo</b> ABDULLA QODIRIYNING LEKSIKOGRAFIYA BORASIDAGI FAOLIYATI, QARASHLARI.....	15
<b>4. Ганиева Дилдорахон</b> МОДАЛ ВА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ СИНКРЕТИК ҲАМДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	19
<b>5. Bayram Bilir</b> O‘RXUN BITIKLARIDA I HARFI VA YOPIQ E TOVUSHINING YEVROPALIK VA RUS TURKOLOGLARI TOMANIDAN TRANSKRIPSIYASI.....	25
<b>6. Jumanova Shohista</b> TARJIMONNING YUTUQ VA KAMCHILIKLARI (CHO‘LPONNING “KECHA VA KUNDUZ” ASARI MISOLIDA).....	29
<b>7. Сулайманова Нилуфар</b> ВОЗНИКНОВЕНИЕ КАТЕГОРИИ ЭМОЦИОНАЛЬНОЙ ОЦЕНКИ В ИМПЛИЦИТНОЙ ФОРМЕ.....	34
<b>8. Хазраткулиён Дилшодан Фарходзод</b> ЎЗБЕКИСТОН ТОЖИК АДАБИЁТИДА МАДЕҲА ШЕЪРИ РИВОЖИ ҲАКИДА.....	43
<b>9. Qodirova Fazilat, Ayakulov Nurbek, Ayakulova Aziza</b> PROBLEMS OF SYNONYMY AND ANTONYMY OF TERMS – THEORETICAL REVIEW.....	50
<b>10. Ахмедова Дилдора</b> ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ – КОРПУС СЕМАНТИК КЕНГАЙТМАСИНИНГ АХБОРОТ БАЗАСИ.....	54
<b>11. Абдусаламова Лобар Акбар кизи</b> ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖДИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР: ОДОРОКОЛОРИСТИК МОТИВЛАРНИ ЎРГАНИШ АСПЕКТИДА.....	59
<b>12. Yusupova Guzal Rashitovna</b> NARRATIV TRANSFORMATSIYALAR NI KOYA NUTQINI MODELLASHTIRISHNING ASOSIY VOSITALARIDAN BIRI SIFATIDA.....	64
<b>13. Раупова Мухайё Насировна</b> ОБРАТНЫЙ ПЕРЕВОД КАК СПОСОБ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТЕПЕНИ АДЕКВАТНОСТИ (НА ПРИМЕРЕ ПЕРЕВОДЧЕСКИХ ТРАНСФОРМАЦИЙ).....	70
<b>14. Fayzulloyeva Zilola Zafarovna</b> BADDIY MATN XUSUSIYATLARI VA UNING TARJIMASIDAGI QIYINCHILIKLARI.....	76
<b>15. Хидирова Мухлиса Алишер кизи</b> “ЖАЛЛОД КЎШИҒИ” ҲУЖАТЛИ РОМАНИДА ОИЛАНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ.....	82
<b>16. Воситов Валижон Абдувахобович</b> XVI-XVIII АСРЛАРДА ТУРКИЙ СЎЗЛАР ИНГЛИЗЛАР НИГОҲИДА.....	89
<b>17. Burknonova Aziza Ihtiyorovna</b> THE IMPORTANCE OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN LEARNING AND TEACHING A SECOND LANGUAGE.....	96
<b>18. Norova Mavluda Fayzulloyevna</b> STYLISTIC-SEMANTIC CHARACTERISTICS OF WORDS WITH SOUND CHANGE IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	102

<b>19. Giyasova Dilafruz Xamzaevna</b> MUAYYAN MAQSADLAR UCHUN INGLIZ TILI DARSLARIDA INGLIZ TILINI O'RGATISHDA TINGLASH KO'NIKMALARINING AHAMIYATI.....	108
<b>20. Sadri Sa'diev, Fariduni Farhodzod (Yuldashev)</b> БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДГА МУРОЖААТНОМА ЁХУД БИР ШЕЪРКИМ, МАНГУЛИККА ДАХЛДОР.....	112
<b>21. Махаммадов Бобир Исан ўғли</b> ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АНДРОИД ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ (АОТМИ) ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ.....	115
<b>22. Хаитов Мурод Атаназарович, Абдуллаев Ибодулла Қочқарович</b> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ОРАСИДА КАСАЛЛАНИШ ВА УНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЖИХАТЛАРИ.....	122
<b>23. Икрамова Шахло Абдурасуловна</b> ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОМПОНЕНТА ЗНАЧЕНИЯ СЛОВА.....	130
<b>24. Мамасолиев Илхам Убайдуллаевич</b> НОВЫЕ СЛОВА И СОЧЕТАНИЯ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ В ПЕРИОД РАСПРОСТРАНЕНИЯ КОРОНОВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (на материале средств массовой информации).....	135
<b>25. Миралимова Шахзода Хасанбоевна</b> ИНТЕРНЕТ – МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИЧА ТИЗИМИ.....	141
<b>26. Худойбергана Д.С., Абдурахимова Ф.Б.</b> ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	147
<b>27. Abduraximova Taxmina Toxirjonovna, Kodirova Mukaddas Tog'ayevna</b> INGLIZ TILIDA GENDERNING LEKSIK IFODASI.....	153
<b>28. Izzatbek Rejapov</b> SON KOMPONENTLI FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING MAVZUIY-SEMANTIK TAHLILI.....	158
<b>29. Ниёзова Шоира Тоировна</b> ҚИЁСИЙ ЛИНГВИСТИКАНИНГ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ.....	165
<b>30. Abduraximova Taxmina Toxirjonovna, Kodirova Mukaddas Tog'ayevna</b> INGLIZ TILIDA GENDERNING LEKSIK IFODASI.....	170
<b>31. Бабахаджаев Рашид Хашимович</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ НА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКАХ.....	175
<b>32. Жумаева Дилноза Бахшуллоевна</b> АНТРОПОНИМИК МУРОЖААТ БИРЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НУТҚИЙ-МАВЗУИЙ ТУРЛАРИ.....	180
<b>33. Ваымуродова Laylo Кахрамоновна</b> NUTQIY FAOLIYAT VA NUTQIY STRATEGIYANING PRAGMATIK IFODASI.....	185



ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Худойберганова Д.С.  
филология фанлари доктори, профессор  
Абдурахимова Ф.Б.  
ФарДУ таянч докторанти

## ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7393877>

### АННОТАЦИЯ

Оламнинг лисоний манзараси ҳақида маълумотлар тилшуносликнинг илк даврларидан буён олимларнинг илмий изланишларида қайд этиб келинган. Ушбу мақолада оламнинг лисоний манзараси ҳақида илм намоёндаларининг дастлабки қарашлари ҳамда ҳозирги давргача бўлган тилшунос олимларнинг илмий ёндашувлари, фикр мулоҳазалари ёритилган. Шунингдек оламнинг лисоний манзараси ва оламнинг когнитив манзарасининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда уларнинг сўз ясалишида тутган ўрни баён этилган.

**Калит сўзлар:** оламнинг лисоний манзараси, новербал тафаккур, парадигма, новербал восита, концепт, концептосфера, дивергенция, номинация, денотат.

Худойберганова Д.С.  
доктор филологических наук, профессор  
Абдурахимова Ф.Б.  
ФарДУ докторант

## НАУЧНЫЕ ПОДХОДЫ К ЯЗЫКОВОМУ КАРТИНУ МИРА

### АННАТАЦИЯ

Информация о языковом картине мира фиксируется в научных изысканиях ученых с ранних времён языкознания. В данной статье освещаются первые взгляды представителей науки на языковой картины мира, а также научные подходы и мнения лингвистов до настоящего времени. Также описывается взаимосвязь между языковым картиной и когнитивный картиной мира, а также их роль в словообразовании.

**Ключевые слова:** языковая картина мира, невербальное мышление, парадигма, невербальное средство, концепт, концептосфера, дивергенция, деноминация, денотат.

Khudoyberganova D.S.  
Doctor of Philology, Professor  
Abdurakhimova F.B  
doctoral student

## SCIENTIFIC APPROACHES TO THE LANGUAGE PICTURE OF THE WORLD

## ANNOTATION

Information about the linguistic picture of the world is recorded in the scientific research of scientists from the early times of linguistics. This article highlights the first views of representatives of science on the linguistic picture of the world, as well as scientific approaches and opinions of linguists to date. It also describes the relationship between the linguistic picture and the cognitive picture of the world, as well as their role in word formation.

**Key words:** language picture of the world, non-verbal thinking, paradigm, non-verbal means, concept, concept sphere, divergence, denomination, denotation.

Тилшунослик фани неча асрлардан буён мавжуд экан, инсон тилини гоҳ у, гоҳ бу ёндашув асосида тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Шу асосда тилшуносликда турли мактаблар, йўналиш ва соҳалар шаклланган.

Бугунги кунда тилшуносликда тилни инсон омили билан узвийликда тадқиқ этишга йўналтирилган янги соҳалар вужудга келмоқдаки, бу йўналиш таркибига кирувчи соҳалар парадигмаси ҳали етарлича тартиблаштирилмаган. Бу лингвистик соҳаларга оид масалаларнинг ҳар бири ҳам мустақил олиб қаралганда бир-биридан кам бўлмаган тарзда муҳимлик касб этиши билан боғлиқ.

Тилшунослик масалаларини инсон омили билан боғлаб тадқиқ этиш борасидаги муҳим тушунчалардан бири оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) дир.

Оламнинг лисоний манзараси замонавий тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан биридир. Бу тушунча тилни жамият ва инсонлар билан биргаликда, улардан ажратмаган ҳолда ўрганиш ғоясини илгари суради. ОЛМ тилшуносликда немис файласуфи В. фон Гумбольдт қарашлари билан бевосита боғланади. Олим XIX асрнинг бошларида оламнинг лисоний манзараси ҳақидаги ўз илмий қарашларини баён этган. Унинг изланишлари тилнинг халқ руҳини ифодалаш, миллий-маданий жиҳатлар ва интеллектуал қадриятлар билан боғлиқлиги, ривожланиш тамойилларининг ўзига хослиги каби масалаларни ўз ичига олади. Гумбольдт қарашларида тилнинг жамият билан алоқадор жиҳатларига эътибор қаратилиб, унинг ривожланиши, такомиллашиши ҳамда қўлланилиш усуллари таҳлил қилинган. Унинг ғоялари XX асрнинг 30-йилларида Л.Вейсгербер томонидан давом эттирилди ва илмий ривожлантирилди. Жумладан, олим тилшунослик фанига “оламнинг лисоний манзараси” (sprachliches Weltbild) атамасини олиб кирди ва унинг мазмун-моҳиятини ёритиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борди. У ўз изланишларида муайян жамият аъзолари тилида маънавий-маданий руҳнинг мавжудлиги, тил соҳибларининг интеллектуал салоҳияти улар мансуб бўлган жамият (олам)нинг лисоний манзараси эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди.

Оламнинг лисоний манзараси назариясининг ривожда америкалик этнолингвистлар Э.Сепир ва Б.Уорфларнинг хизматлари бекиёсдир. Э.Сепир ва унинг издоши Б.Уорф “Сепир ва Уорф гипотезаси”ни ишлаб чиқишдики, бу тилни инсон омили билан узвийликда тушуниш борасида олиб борилаётган изланишларда янги бир тармоқ – этнолингвистиканинг назарий ўзагини ташкил этади. Ушбу назарияга кўра, муайян халқ вакилларининг фикрлаш тарзидаги фарқланишлар тарихий-маданий талқинда хулқ-атвор меъёрларидаги фарқни келтириб чиқаради. Тадқиқотлар айнан танлаб олинган тиллар кесимида олиб борилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди. Жумладан, С.Уорф хопи тилини “Ўрта европа стандарти” билан таққослаб, субстанция, макон, вақтнинг асосий тамойиллари тил тизимининг сифатига қараб турлича талқин қилиниши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилган. У ўз тадқиқотларида экспериментал тадқиқ усулларини қўллаб, кишиларнинг тилдан фойдаланиш ҳолатини изоҳлаб берди. Тажриба натижаларига кўра, “вақт” ва “макон” тушунчаси ҳамма одамларда бир хил шаклланмайди. Бу тилнинг табиати ёки ривожланишда фойдаланилган тилларга боғлиқ бўлади.

Э.Сепир ва Б.Уорфлар тиллар ўртасида муайян семантик тафовутлар мавжудлигидан келиб чиқиб, тил инсоннинг тафаккурини ва умуман билиш жараёнини, шу орқали унинг онгида вужудга келадиган дунёқараш ва оламнинг яхлит манзарасини белгилайди, деган хулосага келдилар. Бундан келиб чиқадики, турли тилларда сўзлашувчи одамлар оламини

турли йўллар билан таниб, унинг турли тасвирларини яратадилар. Бунга кўра, эса олам манзарасидаги фарқ тилларнинг субъектив хусусиятлари билан боғлиқдир. С.Уорфнинг фикрича, биз борлиқни она тилимиз “таклиф қилган” йўналишда инъикос қиламиз ва дунё бизнинг онгимизда колейдоскопик таассуротлар оқими сифатида намоён бўлади, бу, ўз навбатида, инсон онги иштирокида ташкил этилади ва, асосан, инсон онг системасида сақланаётган тил бирликлари орқали воқеланади. Дунё тушунчаларга ажратилган, биз уларни инъикос қилиб тизимлаштирамиз, яъни тушунчаларни тил моделлари тизимида мустаҳкамлаймиз.

ОЛМ хусусида XX асрнинг 60-йилларида рус тилшунослик мактаблари вакиллари кенг тадқиқотлар олиб бордилар. Тилшунос олимлар Г.Брутян, Г.Колшанский, В.Касевич, Р.Павиленис, Н.Уфимцева ва бошқаларнинг тадқиқотлари марказида оламнинг лисоний манзарасининг шаклланиш масаласи ва унинг илмий асосларини белгилаш муаммоси етакчилик қилди.

Тил оламини тушунчалар воситасида акс эттиради. Бундай ғояни тилшунос Г.Почепцов тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин: “Тил орқали биз оламини акс эттирамиз. Фақатгина акс эттирамиз, таърифлаймиз эмас, балки ўз қарашларимиз асосида таърифлаймиз. Чунки таърифлаш – оламини тилда акс эттиришнинг усулларида бири. Саволлар, ундовлар ҳам бошқа барча нутқий актлар ҳам аслида оламини акс эттириш ёки тасаввур қилишнинг шундай шаклларида биридир”. Сўзни ташкил этувчи товушлар мажмуи алоҳида олинганда ҳеч нарсани акс эттирмайди. Яъни унинг тўлақонли фаолияти жамият аъзоларининг фикрлаши билан чамбарчас боғлиқ.

Оламини тил воситасида акс эттиришда концепт ёки тушунчалар ниҳоятда муҳим ўрин тутуди. Тил онгни воқелик билан белгили алоқа орқали, бошқача айтганда, билвосита боғлайди. Мазкур фарзга нисбатан М.Пименова муносабат билдирар экан, “Тил воқеликни акс эттирмайди, балки уни белгили усул орқали тасвирлайди. Демак, бу концепцияда тил ўзига хос восита бўлиб, унинг ёрдамида инсон томонидан оламини концептуаллаштириш, яъни ҳодисалар белгиларини аниқлаш орқали уларга боғлиқ тушунчани тасаввурда гавдалантириш жараёни содир бўлади”, – деб ёзади.

Ўзбек тилшуносларидан З.Холманова бу борада: “Тил кишилиқ жамияти маҳсулидир. Тилсиз ҳеч бир воқелик ва ҳодисани, инсоннинг табиатда, жамиятда тутган ўрнини, жамият тараққиёти йўлларини билиш, ўрганиш мумкин эмас”, – деб таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, борлиқ билан инсон муносабатининг турли шакллари натижасида яхлит тизим – олам манзараси шаклланади.

Айтиш мумкинки, олам манзараси унинг лисоний манзарасига ҳар доим ҳам тенг келавермайди. Айнан шу тенглик мувозанатини сақлаш мақсадида тилда янги сўзлар пайдо бўлади ёки мавжуд воситалар мазмуни кенгайтирилади, торайтиради, баъзан эса янги маъно-мазмун билан қўлланила бошлайди. Олам манзарасининг мавзулар кўлами унинг лисоний манзарасидан анча кенг, масалан, оламнинг илмий, маданий, диний, когнитив, ментал ва бошқа манзаралари каби ҳам мавжуд.

Оламнинг лисоний манзараси тилшуносликда янги шаклланиб келаётган қатор илмий йўналишларнинг асосий ўрганиш объекти саналади. Мазкур йўналишлардан бири лингвистик антропоцентризмдир. Унинг илмий ғоясида ОЛМ марказий ўринда туради. Бу борада ўзбек тилшунослигида профессор Ш.Сафаров муҳим изланишларни амалга оширган. Олимнинг таъкидлашича, “аслида “новербал тафаккур”нинг қандай юзага келишини тасаввур қилиши қийин, чунки борлиқ ҳақидаги фикрни фақат лисоний шакллар воситасида ўқий оламиз”. Олимнинг бу фикрлари мулоҳаза талаб қиладигандек кўринади. Яъни олам манзаралари ифодасида тил муҳимлигини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, тафаккур бирликлари ҳар доим лисоний воситалар орқали эмас, новербал воситалар орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

“Олам манзарасидаги марказий тушунчалардан бири “концепт” эканлиги ва мазкур манзара ана шу концептлардан таркиб топган яхлит “концептосфера” эканлиги бугунги фанда барқарор назарияга айланди. Аммо концепт қанчалик ментал, онга оид тушунча бўлмасин, уни тилдан, миллий-маданий унсурлардан бутунлай холи бўлган тушунча сифатида

таърифлаш тўғри бўлмайди. Чунки концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқараши ва бошқа турли миллий-маданий белгиларининг акс топиши муқаррар. Миллийлик ва маданийлиликнинг кучи шундаки, ҳатто умуминсоний аҳамиятга эга бўлган концептларнинг мундарижаси ҳам турлича кўшимча коннотатив маъноларга эга бўлиши мумкин”.

Оламнинг лисоний манзарасининг мазмун-моҳиятини тушуниш замонавий илм-фан учун жуда муҳимдир, шунинг учун бу тушунча аниқ таъриф талаб қилади. Е.С.Кубрякованинг таърифига асосан, оламнинг лисоний манзараси инсоннинг концептуал олами манзарасининг бир қисмидир, тилга “боғланган” ва тил шакллари орқали ифодаланувчи жараён дир.

Тилшуносликда *олам манзараси* ва *оламнинг лисоний манзараси* терминлари ўзаро фарқланади. Б.А.Серебренников фикрига кўра, олам манзараси – бу инсон ўз тасавурида дунёни қандай тасвирлаши бўлиб, оламнинг лингвистик манзарасидан кўра мураккаброк ҳодисадир; олам манзараси – инсоннинг концептуал дунёси. У тилга боғланади ва тил бирликлари орқали ифодаланади. Айни вақтда инсон томонидан идрок этиладиган барча нарсалар, ҳар хил ҳислар, ташқи омиллар орқали инсон онгига кириб келаётган ҳар қандай маълумот вербал шаклга эга бўлавермайди.

Тафаккур универсал ҳодиса бўлса-да, у ўзига хос натижаларига кўра бир хил эмас. Ҳар бир ОЛМ тафсилотлари туфайли фарқ қилади.

Оламнинг лисоний манзараси индивидуаллик жихатидан инсоннинг билиш субъекти сифатидаги ўз тажрибасини, унинг кадриятларини, маданият даражасини, интеллектуал ва ақлий салоҳиятларини, бутун лексик тезаурусини қамраб олади. Бунда ҳатто иккинчи тил – чет тилида олинган билимлар ҳам эталон тил майдонида ягона онг тизимда жойлаштирилади.

Айтиш жоизки оламнинг лисоний манзараси мутлақ тўлиқ бўлиши мумкин эмас. Ҳаёт, инсон фаолияти доимий равишда ўзгариб турганлиги сабабли, у янги ҳодисаларни келтириб чиқаради ва бу, ўз навбатида, адекват лингвистик ифодани талаб этувчи вазият ҳисобланади.

З.Д. Попова ва И.А.Стерниннинг фикрига кўра, тилнинг семантик майдони ва ОЛМ синоним тушунчалардир, ОЛМнинг ифодаси тилнинг семантик майдонини ифодалаб келади. Унга кўра, ОЛМ ифодаланишида:

- миллий воқелик объектларини таснифловчи тилнинг номинатив бирликлари, яъни лексемалар, турғун бирикмалар (номинациялар), фразеологик бирликлар;
- тилнинг мажозий воситалари, миллий-махсус образлилик, метафора, кўчма маънодаги сўзларнинг ривожланиши, тил бирликларининг ички шакли;
- тилнинг фоносемантикаси муҳим аҳамият касб этади.

В.И.Карасик ОЛМни тилнинг лексик-фразеологик тизимининг турли қисмларида аниқланиши мумкин бўлган ва ОЛМ орқали тилнинг ўхшаш қисмларини турли тилларда солиштириш мумкин бўлган жиҳатларини, яъни бир қатор онтологик ҳусусиятларини аниқлайди.

Ю.Д.Апресян ва А.Зализняк фикрига кўра, ОЛМни ифодалаш учун лисоний бирликлар – лексемалар, грамматик шакллар, сўз ясовчи воситалар (просодиялар), синтактик қурилишлар (конструкциялар), фраземалар, лексик-семантик мослик қоидалари ва бошқалар қўлланилади.

Н.Д.Артюнова ўз ишларида ОЛМни ифодалашда нафақат лисоний омиллар, балки маданиятга алоқадор барча матнлар кенг маънода хизмат қилади, деган қарашни илгари сурди.

Оламнинг лисоний манзараси тиллар тизимидаги фарқ туфайли ҳам ўзига хосдир. Бироқ, маълум бир тил тизими қанчалик ривожланган ва мукамал бўлмасин, унда амал қилаётган воситалар тобора ривожланиб бораётган ва мураккаблашиб бораётган билиш жараёнларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмайди. Чунки тил тизимида инъикос этган билимлар вақт ўтиши билан эскириб боради. Айнан жонли мулоқот турли даражадаги лингвистик воситалар юзага келиши учун чексиз имкониятлар яратади. Бунинг натижасида тил тизимида мавжуд бўлмаган шакллар пайдо бўлади. Шунингдек, бу шакллар муайян тил тизимида етишмаётган семантик фарқларни (дивергенцияларни), бартараф этувчи, турли тилларда сўзлашувчиларнинг ўзаро тушунишини, бир тилдан бошқа тилга адекват таржима қилиш имкониятини таъминловчи воситаларни қоплайди. Бу эса, ўз навбатида, турли тил маданиятлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлайди.

Тилшунослар оламни тил орқали туркумлаштириш ва концептуаллаштириш муаммосига алоҳида эътибор берадилар. Бу “дунёнинг инсон онги томонидан идрок этилиш тарзини очиб беради, объективлаштиради ва онгда таснифлайди.” Тил реал воқеликни ўзига хос тарзда талқин этиб, инсоннинг ғояларини акс эттирувчи оламини яратишда иштирок этади.

Хуллас, оламнинг лисоний манзараси – муайян тил жамоаси онгида тарихан шаклланган ва унинг тилида инъикос этган ва айни жамоа учун хос бўлган олам ҳақидаги тасавурлар мажмуи, оламни идрок этиш ва концептуаллаштиришнинг муайян усули Л.Вейсгербер фикрига кўра, оламнинг лисоний манзараси, бир томондан, этнос ва унинг тили тарихий тараққиётининг натижаси сифатида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, унинг кейинги тараққиёт йўлининг ўзига хослигини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади. Оламнинг лисоний манзараси келажак авлодга этноснинг тилда муҳрланган дунёқараши, ахлоққа доир қонун қоидалари ҳамда яшаш тарзи орқали узатилади.

ОЛМ муайян тилда сўз ясалиши қандай белгиланиши, нима учун улар онгда сақланиши сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Сўз ясалишида у ёки бу воқелик қисмининг объект (денотат) сифатида танланишининг ўзи ОЛМнинг тил соҳиблари учун қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Сўз ясалиши ходисаси ассоциатив ҳарактерга эга бўлиб, ҳосилаларнинг тизимли боғланишини очиб беради. Н.В.Курешковский тизимли муносабатларнинг мавжудлиги ҳақида шундай ёзади: “Тилда ҳар доим маълум сўз турлари ва сўзлар ўртасидаги боғланишни аниқлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тизимли оилаларнинг систем турини аниқлаш мумкин.”

Шубҳасиз, ҳар бир тилнинг сўз ясалиши тизими умумий ва ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Сўз ясалишида халқлар дунёси манзарасининг маданий жиҳати акс этади. Шу сабабли сўз ясалишида маълум бир этник гуруҳнинг ўзига хослигини кўрсатувчи ясалмаларнинг маданий семантикасини таҳлил қилиш муҳимдир.

Инсоннинг ўз ҳаёти давомида сўз бойлигини кенгайтириш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Бу билан инсон нафақат янги сўзларни, уларнинг маъноларини чуқур англайди, балки янги билимлар соҳасига ҳам кириб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ОЛМ инсон омили таъсирида ривожланиши билан бирга, инсоннинг когнитив фаолиятини тил билан бевосита боғлайди. ОЛМни тадқиқ этиш ҳамма даврларда ҳам тилшуносликнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаверади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Апресян Ю.Д. Языковая картина мира и системная лексикография.-языки славянских культур.-Москва, 20.- С.32-33.
2. Бахронова Д.К. Ўзбек ва испан тилларида олам манзарасининг лингвокогнитив категорияланиши.: Филол.фан.д-ри дисс. –Тошкент, 2022. -45 б
3. Вайсгербер Й. Л. Родной язык и формирование духа [Текст] / Й. Л. Вайсгербер. – М.:УРСС эдиториал, 2004. – 232 с.
4. Вендина Т. И. Русская языковая картина мира сквозь призму словообразования (макрокосм).- М.: Индрик, 1998. 9 с.
5. Гумбольдт, В. О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человеке-ства [Текст] / В. Гумбольдт // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 80, //Уорф, Б. Л. Отношение норм поведения и мыш-ления к языку [Текст] / Б. Л. Уорф // В. А. Звегинцев. История языкознания XIX–XX вв. в очерках и извлече-ниях : в 2 ч. Ч. 2. – М., 1965. – С. 255–281.
6. Карасик В.Язқковой круг:личность, концепты, дискурс.М., 2004.-109с
7. Крушевский Н. В. Избранные рааботы по языкознанию. М.: Наследие, 1998. -181 с.
8. Кубрякова Е. С. Части речи с когнитивной точки зрения. М.: Ин-т языкознания РАН, 1997. 37-38 с.
9. Нурмонов А.Танланган асарлар.2-жилд.-Т:.-2012.-200 б.

10. Пименова М. В. Языковая картина мира: учебное пособие. – М: Флинта, 2014. – С.6.
11. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика.-Москва АСТ: “Восток-Запад”, 2007-45.б
12. Почепцов Г.Г. Языковая ментальность: способы представления мира// Вопросы языкознания. – М., 1990. – №6 – С. 110
13. Сафаров Ш.Семантика.-Тошкент:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013.-270 б
14. Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира.М.:Наука, 1988-142 с
15. Уорф Б. Л. Отношения норм поведения и мышления к языку [Текст] / Б. Л. Уорф //История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях: в 2 ч. Ч. II. – М.:Просвещение, 1965. – С. 255-281.
16. Холманова З. Т. Тилшунослик назарияси. – Тошкент, 2020. – Б.6.
17. Худойберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2013. -Б.33.
18. Qurbonova S. Formation of text analysis in linguistics//Modern journal of social Sciences and Humanities, Vol. 4 2022-05-11, 58-61 p.
19. Qurbonova S. On the analysis of lexical units in psycholinguistics//International Conference on Research Identity. Value and Ethics,2022- 512-513 p

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 6 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 6

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 6